www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 3-mart № 27 (2908) payshanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Бугунги кунда айнан спорт бутун жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намоён этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасига айланиб бораётганини кўриш-кузатиш қийин эмас.*

Ислом КАРИМОВ

# Бош келишув имзоланди

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош Келишув имзоланди.***

Мазкур ҳужжатда Республика Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиш, Ўзбекистон Президентининг стратегик кўрсатмаларини ижро учун қабул қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мустақил мамлакатимиз манфаатларини биринчи ўринга қўйиш каби муҳим мақсадлар ифодаланган. Шунингдек, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бешта тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришга кўмаклашиш ҳам акс этган.

Унда ижтимоий масъулиятни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасида бундан буён ҳам тақсимлаб бориш тан олинган. Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туришда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойиллари амалга оширилиши акс этган. Ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий тамойилларини белгилаб берувчи мазкур Бош келишувда Тарафлар қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятлар олишди:

- иқтисодиётни, мамлакатда ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва турмуш даражаси;
- меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш;
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги;
- ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя;
- маънавий-маърифий тадбирлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш;
- ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш.

Мазкур Бош келишувдан меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва у ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномаларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш тавсия этилиши, янги иш ўринлари яратилиши, шунингдек, ички ва ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини назорат қилишда ижтимоий шериклар иштирокини таъминлаш масалалари ўрин эгаллаган. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ҳамда ҳисобга олиш бўйича қонунчиликни бундан буён ҳам такомиллаштиришни давом эттириш акс этган.

Яна бир муҳим жиҳат, меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни сайлаш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда улар самарали фаолият кўрсатишлари учун шароит яратиб берилиши жамоа шартномалари ва келишувларида акс эттирилиши учун жамоат назорати таъминланади. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кўп болали, кам таъминланган оилалар вакилларига, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб борилади. Ёз мавсумида ўғил-қизларни болалар оромгоҳларида соғломлаштириш- ни ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилади. Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун касаба уюшма фаоллари ҳамда иш берувчиларнинг Ҳукумат, вазирлик ва идоралар вакиллари билан давра суҳбатлари ўтказилади. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги тармоқ келишувларини тегишли йилнинг январ ойидан, корхоналарда иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги жамоа шартномаларини эса март ойидан кечиктирмай тузиш тавсия этилади.

Бош келишув 2011-2013 йиллар учун тузилган бўлиб, янгиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

Шу билан бирга, Бош келишувга имзо чеккан Тарафлар мазкур келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий тамойилларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар. Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига олишади.

Ушбу келишув бажарилиши устидан назоратни Тарафлар томонидан тасдиқланган уч томонлама комиссия амалга оширади.

**Маҳмуджон ИСАЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудири**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## 2011 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2011 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида

***Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:***

2011 йил 5 март шанба дам олиш куни 2011 йил 7 март душанбага кўчирилсин;
2011 йил 5 март шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 28 феврал

## Болалар спорти:

# Асосий мақсад — соғлом авлодни вояга етказиш

***Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов раислигида 2011 йил 25 феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Қуйида Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.***

**I. 2010 йилда болалар спорти иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш якунлари тўғрисида.**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Хўжаевнинг 2010 йилда болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш якунлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон (А.Усмонов), Самарқанд (З.Мирзаев) ва Сурхондарё (Т.Жўраев) вилоятлари ҳокимларининг қуйидаги мурожаатлари қабул қилинсин:

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги профессионал футбол клуби қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабининг «Динамо» стадионини реконструкция қилиш 2011 йил феврал ойида якунлангани тўғрисида;

Андижон шаҳридаги профессионал футбол клуби қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабининг янги «Андижон» стадиони қурилиши 2011 йил сентябр ойида якунланиши тўғрисида;

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжаллаб Термиз шаҳрида қурилаётган иккита спорт иншооти ягона комплекс сифатида жорий йилнинг 15 мартигача топширилиши тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев комиссия ташкил этсин ва жорий йилнинг март ойида Термиз шаҳридаги спорт объектлари ва зарур инфратузилманинг «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларини ўтказишга тайёргарлиги ҳолатини текширсин. Текширув натижалари ҳақида 2011 йилнинг 1 апрелигача Президент Девонига маълумот берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Хўжаевга:

комиссия ташкил этсин ва бир ой муддатда жойларга чиқиб, аввал бунёд этилган сузиш ҳавзаларининг ҳолати ва уларнинг фойдаланиш хавфсизлиги бўйича халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқлигини ўргансин. Текширув натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлар режасини 2011 йилнинг 1 апрелигача тасдиқласин;

2011 йилда болалар спорти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурга Урганч шаҳрида иккита сузиш ҳавзаси қурилишини киритсин;

болалар спорти объектларида, айниқса, сузиш ҳавзаларида намунавий лойиҳалар, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш борасида қаттиқ назорат ўрнатсин ва уларнинг қатъий белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминласин.

4. Иқтисодиёт вазирлиги (Р.Ғуломов), Молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров), Халқ таълими вазирлиги (А.Очилов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда болалар спорти объектлари қурилишининг 2011 йил учун ҳудудий манзилли рўйхатларини тасдиқласин ҳамда жорий йилнинг 15 мартигача объектлар қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак ажратиш ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

**II. 2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларини республика ва ҳудудий манбалар ҳисобидан шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш ҳолати тўғрисида.**

5. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов) Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг республика ва ҳудудий манбалар ҳисобидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда шаклланиши устидан қатъий тизимли назорат ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси раиси Р.Бўриевнинг 2010 йилда болалар спортини ривожлантиришни молиялаштиришга ҳомийлик маблағларини ўз вақтида ўтказиб бермагани учун жавобгарлиги масаласини кўриб чиқсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг ўз вақтида тўлиқ ҳажмда шаклланиши ва мақсадли сарфланиши, болалар спорти объектлари қурилиши, капитал таъмирланиши ва белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши ҳамда уларни сақлаш харажатлари тўлиқ молиялаштирилиши ва спорт иншоотлари қувватидан самарали фойдаланиш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев)га:

2011 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари ҳамда болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзалари қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланишининг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда бир ҳафта муддатда тасдиқлаш учун киритсин;

болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланишининг тасдиқланган манзилли дастурлари ижросининг боришини, объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши ҳамда уларнинг зарур анжом ва инвентарлар билан жиҳозланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатган ҳолда ҳар чоракда кўриб чиқсин.

Молия вазирлиги (Р.Азимов) Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг қатъий мақсадли ва самарали сарфланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

**III. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш борасидаги ишлар тўғрисида.**

8. Халқ таълими вазири А.Мараҳимов, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очиловларнинг ҳисоботлари, шунингдек, вилоят ҳокимлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Навоий, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қизларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича масалаларни ҳал қилиш борасидаги ижобий ишлари қайд этилсин.

*(Давоми 2-бетда)*

## Биз — бунёдкор халқмиз

Кўклам нафаси кезиб юрган шу кунларда юртимизнинг барча гўшаларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари қизғин тус олди. Наманган вилоятида ҳам кўча ва хиёбонлар, турар-жой атрофларини хушманзара масканга айлантириш ишлари авжида.

Жумладан, Наманган шаҳридаги Хотира хиёбонига уч юздан ортиқ арча кўчати ўтқазилди. Ҳадемай бу кўчатлар кўкка бўй чўзиб, шаҳар кўркига янада кўрк қўшади.



***Суратда:** Наманган шаҳридаги Хотира хиёбонида кўчат экиш пайти.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

# Боғ — ҳаёт жаннати

**Айни кунларда Жиззахнинг шаҳару қишлоқларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатларининг Мурожаатига жавобан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Мухбиримизнинг вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Аъзам Ихтиёров билан суҳбати айни шу мавзуда бўлди.**

**— Аъзам Рашидович, Мурожаатдаги «Ўзбекнинг гўзал одати бор: хонадонда чақалоқ овози эшитилиши билан кўчат излайди. Янги меҳмоннинг пойқадами қутлуғ келсин, илдизлари шу кўчат янглиғ ерга маҳкам ўрнашсин, яшиллик-яхшилик йўлдоши бўлсин, дея замин бағрига ниҳол қадайди», деган сатрлар кишини ҳаяжонлантиради.**

— Дарҳақиқат, она табиатга чексиз меҳр кўрсатиб, аждодлар анъанасига содиқ қолаётган, эртанги кундан умидвор бўлиб, биздан озод ва обод ватан қолишини дилдан истаб келаётган халқмиз.

Муҳтарам Президентимизнинг «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади», деган пурҳикмат сўзларини бот-бот такрорлаб тураман. Бола, энг аввал, жисмонан соғлом бўлиши керак.

*(Давоми 3-бетда)*

# Хайрли ишнинг давоми

Қоровулбозор тумани Бухоронинг чўл ҳудудида жойлашган. Бу ерда олиб борилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари эътиборга лойиқ. Бироқ туманда боғ-роғлар, токзорлар камлиги дилни хира қиларди. Энди бу муаммо ҳам ечимини топадиган бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатларининг «Кўчат экиш — савобдир» ҳамда вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари делегатларининг «Бухорони боғ-роғлар воҳасига айлантирайлик!» шиорлари остидаги Мурожаатларига жавобан туманнинг барча ҳудудларида кўчат экиш ишлари авж олдирилди. Режага кўра, Мустақилликнинг 20 йиллигига қадар 39 гектар майдонда янгидан боғ ва токзорлар яратиш мақсадида 296 минг туп мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Бу ишларни амалга оширишда нафақат туман, балки вилоят ташкилотлари ҳам амалий ёрдам кўрсатади.

*(Давоми 3-бетда)*

***Хат — ёзма мулоқотнинг қулай воситаси. Газетачиликда эса мухлислар мактуби, олим ва ижодкорлар мақолалари асосий манба ҳисобланади.***

## «Ishonch» хатқутисида

Ўтган ҳафтада таҳририятимизга келаётган хатлар оқими янада кўпайиб, муштарийлардан 41 та хат ва мақола олдик. Дил номалари, фикр-мулоҳазалар, юртимизнинг турли жойларида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида хабар ва мақолалар, илмий ва бадиий ижод намуналари ижодий жамоа ҳукмига ҳавола этилди. Албатта, мактубларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолдирилмади. Улар нашримизнинг омма фикрини ифодалаши, ўқишли бўлиши ва мазмун-мундарижаси кенгайишини таъминламоқда.

Ishonch
2011-yil 3-mart № 27 (2908)





Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 202-умумтаълим мактабида битирувчиларни касбга йўналтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчилар билан ўтказилган психологик тест ва саволномалар натижаларига кўра уларнинг танлаган йўналишлари бўйича касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар аниқланди.

Яқинда бу ерда ота-оналар иштирокида «Касблар фестивали» ва «Касбга йўналтириш» бўйича семинар-тренинг ўтказилди. Унга Республика Ташҳис маркази, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва бошқа идоралар вакиллари ташриф буюришди. Анжуманга таклиф этилган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг касбга йўналтирувчилари ўзларининг слайд ва кўргазмали материаллари билан ўқув масканлари ҳақида тўлиқ маълумот бердилар. Семинар жонли ва қизиқарли ўтди. Ота-оналар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Тумандаги 138-, 217-, 232-мактабларда ҳам худди шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## Болалар спорти:

# Асосий мақсад — соғлом авлодни вояга етказиш

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

спортни ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзи шаклланишининг муҳим омили сифатида кенг тарғиб қилишни ҳисобга олган ҳолда, юқорида қайд этилган ҳудудларда қизларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар тажрибасини оммалаштиришга оид материалларни тизимли равишда ёритиб борсин;

халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ёрқин тимсолини намоён этаётган, халқаро спорт мусобақаларида мамлакатимиз шаънини улуғлаётган спортчиларимиз, айниқса, қизларимизнинг юксак муваффақиятлари ҳақида видеоматериаллар (реклама роликлари) тайёрласин.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ж.Акрамов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда болалар спортини ривожлантириш ҳамда болалар, айниқса, қизларни спорт билан шуғулланишга жалб қилишга салмоқли ҳисса қўшган раҳбар ва мутахассисларни рағбатлантириш тўғрисидаги таклифни ўрнатилган тартибда киритсин.

11. Жиззах (С.Исмоилов), Қашқадарё (Н.Зайниев), Самарқанд (З.Мирзаев), Сурхондарё (Т.Жўраев) ва Сирдарё (О.Ашурматов) вилоятлари ҳокимларининг қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш бўйича олиб бораётган ишлари етарли эмас, деб топилсин ва улардан мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш талаб этилсин.

12. Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б.Ҳодиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ж.Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса, қизларни оммавий жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш бўйича ишлар самарадорлигини тубдан ошириш;

қизларнинг саломатлиги ва тўлақонли жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган янги спорт турлари сонини ошириб, қўшимча спорт секцияларини очиш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекс режасини ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш;

таълим муассасаларидаги ва алоҳида жойлашган болалар спорти объектларидан самарали фойдаланиш ва уларни талаб даражасида сақлаш устидан таъсирчан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасига 2011 йил I ярим йиллик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот киритсин.

13. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Азимов «Ўзбекенгилсаноат» АК (И.Ҳайдаров), Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (У.Тошкенбоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилнинг 21 мартигача бўлган муддатда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган барча қизларга совға тариқасида спорт формалари тақдим этилишини ташкил этсин.

**IV. Болалар спортини ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим омили сифатида ривожлантириш тўғрисида.**

14. Соғлиқни сақлаш вазири А.Икромовнинг спорт билан шуғулланиш мактаб ёшидаги болалар саломатлиги ва жисмоний ўсишига ижобий таъсирининг барқарор тенденциялари тўғрисидаги ахбороти тингланиб ва муҳокама этилиб, Ҳомийлик кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан спорт билан шуғулланишнинг болалар саломатлиги ва жисмоний ўсишига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишларини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов)га:

спорт билан шуғулланишнинг болалар саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича ишларни юқори даражада йўлга қўйган ҳудудий тузилмалар ва уларнинг раҳбарларини алоҳида қайд этиш;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) билан биргаликда спорт ҳамда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишнинг болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида етакчи журналистларни жалб этган ҳолда аҳолини кенг хабардор қилишни доимий асосда ташкил этиш;

2011 йил 1 июлгача фойдаланилаётган тадқиқот индикаторларини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида спорт билан шуғулланишнинг болалар ривожланишига жинси ва ёши инобатга олинган ҳолда таъсир кўрсатишининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартлари ва халқаро мезонларга мос келадиган илмий асосланган услубини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов) га:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов) билан биргаликда Андижон, Бухоро, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш орқали мактаб ёшидаги болалар, айниқса, қизларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари яхшиланиши бўйича эришилган ижобий тажрибасини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш йўллари орқали оммалаштирилсин;

икки ой муддатда Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов) ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (У.Тошкенбоев) билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги ва Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган болаларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш бўйича йўриқноманинг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, спорт федерацияларига етказилишини таъминлаш ҳамда унга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б.Ҳодиев.), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ж.Акрамов), Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов) билан биргаликда:

спорт билан шуғулланишнинг мактаб ёшидаги болалар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига таъсирини туман ва шаҳарлар кесимида, антропометрик кўрсаткичлар динамикаси ҳамда ёш ва жинс гуруҳлари бўйича касалланиш даражасининг пасайишини ўз ичига олган маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда чуқур ўрганишни тизимли равишда давом эттирсин;

бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига спорт билан мунтазам равишда шуғулланишнинг мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлик кўрсаткичларига ижобий таъсири ва уларнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келиши, ҳудудлар кесимида тизимли мониторинг ўрнатишни таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов), Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов), Давлат статистика қўмитаси (Б.Тўраев) билан биргаликда республика ҳудудлари кесимида спорт билан шуғулланишнинг болалар ривожланишига жинси ва ёшини инобатга олган ҳолда таъсир кўрсатиш натижалари ҳақидаги таҳлилий материалларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини, йиллик статистика бюллетенлари ва рисолалар шаклида чоп этилишини таъминласин.

**V. Болалар спорти объектлари ва спорт залларининг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган зарур спорт анжом ва инвентарлари билан жиҳозланиш ҳолати.**

18. Иқтисодиёт вазири Р.Ғуломовнинг болалар спорти объектлари ва спорт залларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган зарур спорт анжом ва инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги маълумоти ахборот учун қабул қилинсин.

Қатъий кўрсатиб ўтилсин:

Навоий (Э.Турдимов), Сирдарё (О.Ашурматов), Тошкент (Р.Холматов), Фарғона (Ҳ.Неъматов) вилоятлари ва Тошкент шаҳар (Р.Усмонов) ҳокимларига болалар спорти объектларининг спорт анжом ва инвентарларини ўз вақтида янгилаш, алмаштириш ва қўшимча жиҳозлаш бўйича амалга ошираётган ишлари қониқарсиз эканлиги;

Халқ таълими вазири А.Марахимовга болалар спорти объектларидан самарали фойдаланиш ва уларни зарур спорт анжом ва инвентарлари билан жиҳозлаш масалаларидан ўзини четга олаётгани.

19. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) икки ой муддатда жойларга чиқиб, аввал фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг аҳволини ўрганишни ташкил этсин ва беш йилга мўлжалланган ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олган болалар спорти объектларини жиҳозлаш дастурини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарорини тайёрласин:

янгитдан фойдаланишга топширилаётган объектларни халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий спорт анжом ва инвентарлари билан жиҳозлаш;

аввал фойдаланишга топширилган болалар спорти объектларининг эскирган спорт анжом ва инвентарларини янгилаш, шунингдек, уларни қўшимча жиҳозлаш бўйича тўлдириб борувчи жадвални тасдиқлаш;

анжом ва инвентарларни янгилашга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан алоҳида сатр остида маблағ ажратиш.

20. Халқ таълими вазирлиги (А.Марахимов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов) 2011 йилда фойдаланишга топшириладиган болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзаларини зарур анжом ва инвентарлар билан белгиланган меъёр ва стандартлар бўйича ўз вақтида таъминласин ҳамда ўқувчиларга, айниқса, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган оилалар қизларига спорт формалари ва анжомлари харид қилинсин.

21. Иқтисодиёт вазирлиги (Р.Ғуломов), Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ж.Исмоилов), «Ўзстандарт» агентлиги (А.Абдувалиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Ж.Акрамов), республикада ишлаб чиқарилаётган спорт анжом ва инвентарларининг сифатини қаттиқ назоратга олсин.

22. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

*Анжуман*

## Ёшлар манфаати устувор

***Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўқитувчи, талаба ва лицей ўқувчилари иштирокида бугунги ижтимоий-сиёсий вазият, ёшларни ҳимоя қилишда касаба уюшма ташкилотининг вазифалари, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, социология фанлари номзоди Т.Матибоев глобаллашув жараёнида миллатчилик ёки диний фундаменталистик оқимларнинг мамлакатлар ва бутун бир минтақаларнинг ривожига таҳдид солиб келаётгани, миссионерлик, маънавий қашшоқлик, лоқайдлик каби иллатлар ушбу ҳолатнинг ривожланишига сабаб бўлаётгани юзасидан маъруза қилди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, бугунги ижтимоий-сиёсий вазият дунё мамлакатларини турли салбий оқимларга қарши курашишда ҳамкорликка чорламоқда. Турли диний экстремистик ташкилотлар, улар қай ном билан аталмасин, аввало, асосий эътиборларини ёшларга қаратаётгани, айниқса, хатарлидир.

Юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан бир қаторда жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам бу борада амалий тадбирлар ўтказиб келаётгани айни муддао бўлаётир. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ишлаш комиссиялари тузилганлиги ўз самарасини бераётир.

Йиғилишда сўзга чиққан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бошқаруви касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Умарова ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг вазифалари, бу борада турли ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик хусусида атрофлича тўхталиб ўтди.

**Адҳам ДАМИНОВ**

*Халқаро ҳамкорлик*

***Глобаллашув жараёнида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш дунё миқёсида долзарб аҳамият касб этади. Шу боис мазкур соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зарур меҳнат шароити яратишга бўлган эътибор кучайиб бормоқда.***

# Юртимиздаги ислоҳотлар

## иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди

Туркия соғлиқни сақлаш касаба уюшма ташкилоти (Turk sag'lik-sen)нинг IV қурултойида иштирок этиш асносида бунга яна бир бор амин бўлдим. Анқарада бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон каби мамлакатлардан ҳам меҳмонлар иштирок этди. Улар ўз юртларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар, бунда касаба уюшмаларининг ўрни борасида чиқишлар қилишди.

Қурултойда TSS бош директори Ўндер Қаҳважи касаба уюшма ташкилотининг сўнгги уч йиллик фаолияти ҳақида ахборот бериб, келгусидаги вазифаларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Хусусан, аъзолар сонини 150 мингга етказиш, ҳуқуқий ҳимоя ва меҳнат муҳофазасига янада чуқурроқ эътибор қаратиш шулар жумласидан.

Шу ўринда TSS фаолиятига қисқача тўхталиб ўтсак. Туркия Халқ касаба уюшмаси (Конфедерацияси) тасарруфидаги ушбу жамоат ташкилоти 1992 йилда ташкил топган бўлиб, саломатлик ва ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётган ходимлар манфаатларини ҳимоя қилади. Умуман, Туркиядаги соғлиқни сақлаш тизимида тўртта касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, бу самарали фаолият юритиш, яъни соғлом рақобат муҳитини яратиш имконини берган. TSS ташкил этилган пайтлари, аввало, ходимлар ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш мақсадида барча корхона ва ташкилотларга кириб бориш бош мезон сифатида белгиланган.

Ташкилот фаолияти мобайнида минглаб даъволар ечимини топгани, турли семинар ва тадбирлар, ходимлар муаммоларига барҳам берилишида кўрсатган жонбозлиги учун халқ орасида эътибор ва ишонч қозонди. Аъзолар сони 2002 йилда 46 минг 195 нафарни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 93 минг 907 нафарга етди. Сўнгги бир йилда 2 минг 59 нафар аъзо қўшилганининг ўзиёқ ташкилотнинг жамиятдаги ўрни юксалиб бораётганидан далолат беради.

Туркиялик ҳамкасбларимизда қардош давлатлар, хусусан, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар катта қизиқиш уйғотди. Маърузамда ҳам юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини ёритиб беришга ҳаракат қилдим. Айниқса, ижтимоий соҳаларга ўтган йили давлат бюджетининг 59 фоизи йўналтирилгани улар эътиборини тортди. Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиланишлар, бу борада қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз фармон ва қарорлари ютуқлар омили бўлмоқда. Айниқса, она ва бола саломатлиги борасида изчил ишлар самарасини олайлик. Бундан ташқари, қишлоқ врачлик пунктларининг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши тиббиёт соҳасидаги улкан ютуқларимиздан ҳисобланади. Рақамларга мурожаат қилсак, 2005 йилда қишлоқ врачлик пунктлари 2801 та бўлса, 2010 йилда 3172 тага кўпайди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ аҳолиси учун жуда катта қулайликлар яратди. Кўпгина касалликларнинг олдини олиш ҳамда тезкор даволаниш имконини берди.

Шунингдек, тез тиббий ёрдамнинг бепул бўлиши, ихтисослашган илмий текшириш институтларининг шаклланиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Жарроҳлик, Урология, Кўз микрожарроҳлиги, Акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология каби ихтисослашган тиббиёт марказлари самарали фаолият юритиб келмоқда. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш керакки, 2010-2014 йилларга мўлжалланган режага мувофиқ, тиббиёт муассасаларининг 287 тасини капитал таъмирлаш, 349 тасини реконструкция қилиш назарда тутилган. 71 та тиббиёт объекти эса янгитдан қурилади. Бундан ташқари, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳам тиббиёт соҳасида изчил ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Сафарим якунланар экан, тажриба алмашиш, ҳамкорликни яна кенгайтириш икки томон учун ҳам манфаатли эканига яна бир бор амин бўлдим.

**Бахтиёр МАҲМАДАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси**

# Муносиб улуш

*Аҳоли анча тарқоқ жойлашган Томди тумани кенгликларида яшовчилар ҳам Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида соҳа ишига баҳоли қудрат улуш қўшишга киришган. Ўтган йил давомида «Агробанк» ОАТБ Томдибулоқ бўлими томонидан маиший ва сервис соҳасини ривожлантириш учун тумандаги «Асем» кичик корхонасига 3 млн. сўм, «Балауса» ва «Гулдер» кичик корхоналарига 2 млн. сўмдан, шунингдек, кўпгина якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам тегишли кредит маблағлари ажратилганди. Жорий йил бошидан аҳоли ўртасида кредит турлари ва уларни расмийлаштириш юзасидан тадбиркорлар ўртасида суҳбат ва учрашувлар ўтказилаётир. Тадбиркорликка, касаначиликка хотин-қизларни жалб этиш ишлари ҳам турмуш равнақи йўлида қўл келиши шубҳасиз.*

**М.АБДУЛЛАЕВА**

Учрашув



# Бегубор ва самимий руҳда

**Адабиёт инсон руҳида эзгулик куртакларининг улғайишида энг яхши кўмакдош ҳисобланади. Шу маънода мактабларимизда ҳар йили февралда адабиёт ойлигининг кенг нишонланаётгани барчамизни қувонтиради. Негаки ўқувчиларнинг жажжи қалбида ватанга муҳаббат, яхшиликни улуғлаш каби фазилатлар бадиий адабиёт воситасида камол топади.**

«Ishonch» газетасининг 20 йиллиги олдидан пойтахтимиздаги 41-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан таҳририятнинг ёш ижодкорлари ўртасида бўлиб ўтган учрашув икки томон учун ҳам ғоят мароқли кечди. Ташриф баҳона ўқувчилар билан дилдан суҳбатлашиш, уларнинг ҳайратга тўла дунёсига назар солиш имконияти туғилди.

Учрашув аввалида мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Зулфия Ғуломова таълим муассасасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди. Эътиборимизни тортган жиҳат, ҳар бир ойда алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши ва бу ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилиши бўлди. Масалан, сентябр — оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини такомиллаштириш ойлиги, октябр — музей ва театр ойлиги... ва ниҳоят феврал — адабиёт ойлиги. Мактаб ҳаёти билан боғлиқ суратларни кўздан кечирар эканмиз, саъй-ҳаракат шунчаки расмиятчилик учун эмас, балки ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимдон бўлиб улғайиши йўлида қилинаётган хайрли ишлар эканига гувоҳ бўлдик.

Шу ўринда 85 йиллик тарихга эга мазкур таълим маскани ҳақида икки оғиз сўз. Бу ерда асосан Оби Назир, Гулобод, Сархумдон маҳаллаларида истиқомат қиладиган 1844 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларнинг келажаги учун жавобгарликни 98 нафар ўқитувчи ўз зиммасига олган. Бундай фидойилик ўқувчилар эришаётган ютуқлар мисолида ўз аксини топмоқдаки, бундан қувонмай илож йўқ! Масалан, 8-синф ўқувчиси Хосиятхон Жўраева «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 9-синф ўқувчилари Дилмурод Рустамов ҳамда Нозима Қудратова тарих ва ҳуқуқдан фан олимпиадасининг шаҳар босқичида муваффақиятли иштирок этди.

Мактабда турли байрамлар муносабати билан уюштириладиган тадбирлар, спорт ва соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, кўплаб тўгараклар фаолият кўрсатиб келаяпти. Ота-оналар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Бунда ота-оналар қўмитаси раиси Зуҳра опа Бобомуҳедованинг жонкуярлиги таҳсинга лойиқ. Мактаб ахборот-ресурс марказидаги ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндаларининг асарлари, турли фанлар бўйича қўлланмалар, матбуот нашрлари болалар ихтиёрида.

2009 йили мактабнинг физика фани ўқитувчиси Султонпошшо Музаффарова юртбошимизнинг фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони билан тақдирланди. Бундай эътироф, албатта, жамоани янада изланишга, ўз ишига масъулият билан ёндашишга ундайди...

— Таълим даргоҳимизда болаларга ҳар томонлама ўрнак бўладиган турли касб эгалари, халқимизнинг севимли санъаткорлари, шоир ва ёзувчилар билан учрашув, давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган, — деди З.Ғуломова тадбирни очар экан. — Адабиёт ва шеърият кишини яхшиликка ундайди. Шу маънода адабиёт ойлиги, севимли нашримиз «Ishonch» газетасининг 20 йиллик тўйи арафасида бўлаётгани барчамизга мамнунлик бахш этади. Ўйлайманки, ижодий ҳамкорлигимиз яна давом этади.

«Ishonch» газетаси масъул котиби Жаҳонгир Шарофбоев бундай самимий учрашувлар ҳар қандай кишини тўлқинлантиришини, газета саҳифаларида мактаблар фаолиятини акс эттирган мақолаларга кенг ўрин берилаётганини таъкидлаб ўтди.

Ёш ижодкорлар Шерзод Абдусаматов, Акмал Тошев ҳамда Назира Боймуродовалар ўқувчиларга ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди. Газетанинг фаол муаллифи, рассом Шавкат Музаффар ўзининг болалик хотиралари, ота-она ва устозлар олдидаги муқаддас бурч ҳақида гапириб берди.

Учрашув жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, ушбу таълим масканида келажакда юрт корига ярашдек шарафли вазифани зиммасига олишга қодир инсонлар вояга етмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

Оммавийлик

# «Соғлом она — соғлом оила»

**Спорт билан мунтазам шуғулланган одам доим ўзини соғлом ва тетик ҳис этади. Айнан шунинг учун ҳам Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти вакиллиги тармоқ меҳнаткашлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш бўйича қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда.**






Шундай тадбирлардан бири «Ўзбекгеофизика» ОАЖнинг спорт мажмуасида ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган «Соғлом она — соғлом оила» спорт мусобақасининг вилоят босқичида 30 дан ортиқ оила вакиллари беш тур бўйича ўзаро баҳс олиб боришди.

Бир-биридан қизиқарли ва муросасиз ўтган баҳсларда баскетбол тўпини саватга тушириш, эстафета, жойидан туриб узоқликка сакраш, дартс ҳамда армрестлинг бўйича ғолиб оилалар аниқланди.

Умумякунда «Ўзбеккимёмаш»дан Карниловлар оиласи, «Максам-Чирчиқ» ОАЖдан Азамовлар ва «Аммофос-Максам» ОАЖдан Наврўзовлар кучли учликни ташкил этишди.

Мусобақа ғолиби Карниловлар оиласи 3-босқичда иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

— Бу каби тадбирларни ўтказишимиздан мақсад тизимдаги ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга янада кенгроқ жалб этишдан иборат, — деди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бўйича вакили М. Халилова. — Бугунги тадбиримиз нафақат баҳс, балки ўзаро дўстлик ва фикр алмашув майдонига ҳам айланди.

Якунда ғолиб ва совриндорларга вилоят вакиллиги томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Нарзулла МАХАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси ЎзКУФК Ўқув Маркази директорининг ўринбосари Клара Саидумаровага онаси

**МУҲАРРАМ ая**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

# «АЛОҚАБАНК»: тараққиёт учун сармоялар

**Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида банклар ишини янада такомиллаштириш молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва замонавий банк хизматларини жорий этишга қаратилган изчил чора-тадбирлар иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Аввало, аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш имкониятлари яратилди. Айниқса, банклар инвестициялаш имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда.**

Очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк» ҳам мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтириб, омонатчилар, мижозлар манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Банкнинг бугунги кунда олиб бораётган ташкилий ишларига назар ташлар экансиз, унинг фаолиятида «мижоз банк учун эмас, банк — мижоз учун» деган тамойилга амал қилинаётганининг гувоҳи бўласиз. Жорий йилнинг бошидаги ҳисоб-китобларга қараганда, банк кредит қўйилмалари 161,9 млрд. сўмдан ошди. Бунда узоқ муддатли кредитлар салмоғи 89 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати ривожланиб, кичик ва хусусий корхоналар кенгайиб бормоқда. Бундай яратувчилик ишлари билан шуғулланаётган мулкдорлар мамлакатимизда юзага келаётган янги — ўрта синфни кенгайтирмоқда. Банк томонидан мулкдорлар фаолиятини, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 80,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан 13,2 млрд. сўмдан зиёд, 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига асосан 13 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.









Масалан, Бухоро вилоятида фаолият юритаётган «Сулшержаҳон» хусусий корхонасига Алоқабанк томонидан аҳолига сифатли ва арзон гўшт, колбаса ҳамда сут маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида жами 1 млрд. 400 млн. сўмлик асбоб-ускуна ва хом ашё сотиб олиш максадида кредит ажратилди. Буларнинг ҳисобидан 58 киши иш билан таъминланди.

Аёлларимизни бизнесга жалб этиш мақсадида Алоқабанк томонидан 2,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Кўплаб хотин-қизлар ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Тадбиркор аёллар учун 300 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилган ишлар натижасида нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ишлари сезиларли даражада кучайтирилди. Ҳозирги кунда «Алоқабанк» тизимида 26 турдаги омонатлар мавжуд бўлиб, шундан 25 таси муддатли ва жамғарма омонатлар ҳисобланади. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини сердаромад, юқори фоизли, турли қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган омонатларга жалб этиш йўлида тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли жалб қилинган жами омонатлар ҳажми 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра ўтган йилга нисбатан 30,2 фоизга кўпайди. Бу эса банкка мижозларнинг ишончи янада ортиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги йилларда электрон ҳамён ҳисобланган пластик карточкалар ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Кўплаб қулайликларга эга бўлган бу омил — аввало, дунё банклари тараққиётининг ютуқларидан бири. Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган пластик карточкалар ҳажми 2009 йилга нисбатан 149 фоиз ошди. Аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига 2481 та терминал ўрнатилди.

«Алоқабанк» ўзининг молиялаш фаолияти билан бугунги кунда халқ хўжалигининг илғор технологияларга асосланган муайян соҳасини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу билан банк жамоаси республикамизда тараққиёт ва фаровонлик ишига катта ҳисса қўшмоқда.

**Жамшид РАУПОВ**

h

Газетанинг навбатдаги сони 6 март, якшанба куни чиқади.

Insonga naf keltirish — oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko`rsatkichi:**
133

**Navbatchi muharrir:**
A.Toshev

**Navbatchi:**
A. Abdullayev

**Musahhih:**
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -19.30

Буюртма Г — 351

21955 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 3 4 5